



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2018 у.г «28» авгууст

№ 2466-т

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

Тумандаги “Шейхлар” МФЙ “Шейхлар” қишлоғи худудидан фуқаро Рассоқов Аҳмадга “Аҳоли майший газ баллонларига суюлтирилган газ тўлдириш шахобчаси” қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Обод қишлоқ” дастури тўғрисидаги 2018 йил 29 мартағи ПФ-5386-сонли фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда 2018 йил “Обод қишлоқ” манзилли дастурига киритилган “Шейхлар” МФЙ “Шейхлар” қишлоғи худудида инфратузилма обьектларини қуриш бўйича берилган топшириқларни ижросини таъминлаш мақсадида ва фуқаро Рассоқов Аҳмаднинг “Шейхлар” қишлоғи худудидан “Аҳоли майший газ баллонларига суюлтирилган газ тўлдириш шахобчаси” қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини кўриб чиқиб ҳамда туман ер участкалари бериш реализация килиш масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг ер танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Обод қишлоқ” дастури тўғрисидаги 2018 йил 29 мартағи ПФ-5386-сонли фармони маълумот учун қабул килинсин. Туман ер участкалари бериш реализация килиш масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Рассоқов Аҳмадга “Шейхлар” МФЙ “Шейхлар” қишлоғи худудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигига фойдаланилмайдиган туман ҳокимлиги захира фонди хисобидаги ер майдонида “Аҳоли майший газ баллонларига суюлтирилган газ тўлдириш шахобчаси” қуриш учун 0.30 гектар ер майдони доимий фойдаланиш хукуқи билан ажратилсин.

3. Фуқаро Рассоқов Аҳмадга белгиланган тартибда вилоят экология экспертизасидан хулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлатиш, тегишли ташкилотлардан рухсат олингандан сўнг, қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва белгиланган муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидағи хужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу ер майдонида “Аҳоли майший газ баллонларига суюлтирилган газ тўлдириш шахобчаси” қурилишини лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси Иштихон тумани филиали бошлиғи (Х.Астонов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

5. Negmatov

Ш.Негматов